



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 182 (11.743)

Баҳоси эркин нарҳда

## ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.**

НЬУ-ЙОРК, 20 сентябрь.  
ЎзА махсус мухбири Анвар  
БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар қамрови кенг. Мамлакатимиз 1992 йилда ушбу энг нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлди. Утган даврда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида Ўзбекистон БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келади.

2002 йилда БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга келди.

Жорий йилнинг апрель ойида амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асосида БМТ Бош котиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммога жаҳон ҳам-жамияти эътиборини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Бош котиб Пан Ги Муннинг ташрифи асосида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташки-

лотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд мақомини олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу хайрли гоани кенг қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислоҳ Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экологик муаммоларни, Афғонистон моjarосига алоҳида тўхтади.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги куннинг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда уруш ва можаролар тўсиқ бўлаётганини, Афғонистон мисолида бунинг яққол тасдиғини кўриш мумкинлигини таъкидлади. Мазкур мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-гуманитар ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, Афғонистон халқининг кўп асрлик аҳъаналари ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарур.

Президент Ислоҳ Каримов Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атрофмуҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнгги қирқ йилда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амударё ва Сирдарё ҳисобига сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камайирилиши шусиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка путур етказди.

Ўзбекистон раҳбарининг илгари сурган таклиф ва ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

**БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка йўл олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди.**

## ИСЛОҲ КАРИМОВНИНГ ЛОНДОН УЧРАШУВИ

ЛОНДОН, 19 сентябрь. ЎзА махсус мухбири  
Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда «Британия-Ўзбекистон» жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши хамраиси Ҳартли Бут ва «Британия-Ўзбекистон» парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли билан учрашди.

Ислоҳ Каримов Ўзбекистон-Британия муносабатлари ривожланиб бораётганини, хусусан, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳамалари мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиётгани, олий қонун чиқарувчи органлар делегацияларининг ўзаро ташрифлари фаоллашгани, илмий муассасалар ва ишбилармон доираларнинг ҳамкорлиги кенгайтирилганини таъкидлади.

– Ўзбекистон Буюк Британия ҳукумати билан ҳамкорлик учун очик, бутун қайта ишга солинаётган салоҳият яқин вақтларда ҳаётга таъбиқ этилади. Сизларнинг фаолиятингиз мамлакатингиз халқи Ўзбекистон халқи ҳақида янада кўп маълумотга эга бўлиши учун яқин муҳит яратмоқда, – деди Ислоҳ Каримов.

Ўзбекистон ва Буюк Британия минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Йил охирида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш мўлжалланмоқда. Унда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан таърибга эга. Буюк Британиянинг ўсимликшунослик ва экологияни ўрганиш бўйича институтлари дунёдаги етакчи илмий тадқиқот марказларидан саналади. Истиқболда бу йўналишдаги алоқалар ҳам кенгайди.

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Мамлакатимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тўзилган икки юзга яқин қўшма корхона, Буюк Британиядаги элликдан зиёд фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

«Британия-Ўзбекистон» парламент гуруҳи икки мамлакат ўртасида турли ташкилот ва идораларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга, сиёсий алоқалар ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий-меъриый асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Учрашувда Хартли Бут Президент Ислоҳ Каримовнинг айнан Лондон шаҳрида тўхтаб ўтиши чўқур раъзий маънога эга эканини таъкидлаб, Буюк Британия Бош вазир Дэвид Камероннинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мактубини топширди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Бирлашган Қироллик Ўзбекистон билан алоқаларини юксак қадрлайди. Мен британиялик қатор йирик сармоядорлар Ўзбекистонда салмоқли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканидан хабардорман. Умид қиламанки, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг жорий йилдаги навбатдаги мажлиси мамлакатларимиз ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларини яқини, янада юқори босқичга кўтарарди».

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга, парламентлараро алоқаларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Жорий йилда республикамизнинг олий ўқув юртиларига 385 мингдан зиёд ўғил-қизлар ҳужжат топширган бўлса, фақат 56,7 мингтага талабалikka қабул қилинди, яъни бир жойга ўрта ҳисобда олтидан абитуриент тўғри келди.

Албатта, гап фақат фарзандларимизнинг билим даражаси ҳақида эмас, балки объектив сабабларга қўра уларнинг талаба бўлиш хоҳиш-истагини бир йил ичида тўла қондириш имконияти йўқлигидир. Шундай бўлса-да, энг муҳими – йил сайин олий маълумот олиб, юқори малакали мутахассис бўлишга интилаётган ёшларимиз сафни кўпайиб бораётганидир.

Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейни битиргани боис бирон-бир мутахассисликка эга. Шу ўринда изоҳ бериб ўтиш лозимки, академик лицей илм-фанга ихтисослашган ўқув юрти бўлса-да, ўқувчилар референт, иш юри-

**22-23 сентябрь кунлари Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ёшлар учун шаҳар бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилади.**

## Ижтимоий лойиҳалар БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ – ЁШЛАР УЧУН

Демак, айни пайтдаги долзарб масала – бу олий ўқув юртига кира олмаган ёшларнинг бандлигини таъминлашдир. Шаҳар ҳокимлиги томонидан прокуратура ва яна бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркасига ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртилари битирувчилари, шунингдек, мутахассислиги бўлмаган ўғил-қизлар таклиф этилмоқда.

Ильмира  
ЗАЙНУДИНОВА

## Tashkent open-2010 ПОЙТАХТИМИЗ WTA ТУРНИРИ МЕЗБОНИ

**Кеча поймахтимизда аёллар ўртасида халқаро «Tashkent open-2010» турнирига старт берилди.**

Мамлакатимизда WTA – Бутунжаҳон теннис уюшмаси мақоми остидаги профессионал теннисчи аёллар турнири ўн иккинчи мартаба ўтказилмоқда. Ушбу мусобақага асос 1996 йилда солинган бўлиб, дастлаб Халқаро теннис ташкилоти шафелида мукофот жамғармаси челленжер-турнирлари даражасида ташкил этилган.

Утган вақт ичида «Tashkent open» кучли теннисчилар қаторида ушбу нафис спортга ихлоси беванд, катта майдонда маҳоратини чарчашга интилан ўсмир қизларни ҳам кенг жалб этди. Қўллаб-даватларнинг ўнлаб спортчилари «Tashkent open»дан профессионал спортга илк қадам қўйди, қанчаси учун чемпионлик шоҳсупаси ҳам насиб этди. Кучли спортчилар эса рейтинг оқчаларини янада ошириб, дунёнинг биринчи элликтиги ва



ўттизликдаги теннисчиларига айланди. Айтиб ўтиш жоизки, мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб юлга етиши учун барча шароитлар, имкониятлар яратилмоқда. Бу борада ёшларимизнинг, айниқса жисмоний тайёргарлиги алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу эзгу мақсад йўлида кейинги йиллар ичида мустаҳкам моддий-техник база яратилиб, қўллаб-қўрғаш спорт мажмуалари, маҳорат мактаблари бунёд этилди. Ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон ва қитъа чемпионатларида, олимпиадаларда нуфузли ўринларни эгаллашга мушарраф бўлаётгани мамлакатимизнинг обрў-эътибори жаҳон ҳамжамиятида янада юксалиб боришига асос бўлаётди.

(Давоми 4-бетда).

## ЖАҲОНДА

- Жаҳоннинг етакчи биржаларида кеча ўтказилган савдолар чоғида нефть нархини ошганлиги қузатилди.
- Кеча АҚШнинг Чикаго шаҳрида портлаш уюштирилган ва сувни заҳарламоқчи бўлган ливанлик шахс қўлга олинди.
- Тайванда хуруж қилган «Фананги» тўғрисидаги натижасида қўллаб турар жой бинолари вайрон бўлди, уч киши ҳаётдан кўз юмиб, қарийб 20 киши тан жароҳатлари олган. Тўғрисида 6 минг нафар аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилган, 170 минг киши бошпанасиз қолган.
- Европа Иттифоқи Эстониянинг молиявий ҳолатини ижобий тарзда баҳолади.
- Буюк Британия ҳарбий полицияси Афғонистонда иттифоқчи кучлар таркибида хизмат қилаётган британиялик ҳарбийларнинг гиёванд моддалар контрабанда-сига алоқаси борлиги ҳақидаги айбловларнинг нечоғли ҳақиқатга яқинлигини аниқлаш юзасидан текширув ўтказмоқда. Гап шундаки, Британия Мудофаа вазирлигининг баён қилишича, Афғонистондан гиёванд моддалар контрабанда-сига ҳарбий самолётлардан ҳам фойдаланилганлиги тўғрисидаги фактлар билан тасдиқланмаган гаплар вазириликка ҳам етиб борган.
- Жаҳон биржаларида ўтказилган савдолар чоғида кумуш нархи 4,8 фоизга қимматлашиб, ушбу металнинг бир унцияси қиймати 20,745 АҚШ долларига етган. Таъкидлаш жоизки, йил бошидан буён унинг қиймати 23 фоизга қўтарилган. Бундай ҳолат 1980 йилдан буён қузатилмаганди.
- Россиянинг Камчатка минтақасидаги Шивелуч вулқони оғирида бошланди. Ҳозир ундан ажралиб чиқаётган кул 3,5 метр баландликка қўтарилмоқда. Бу эса самолётларнинг ҳаракатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Асборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ШАҲРИМИЗ** маҳаллаларида Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ташаббуси билан «Маҳалла» жамғармаси бўлими билан ҳамкорликда оналик ва болаларни муҳофиза қилиш масалаларига бағишланган семинар-машғулотлар ўтказилмоқда. Ушбу тадбирлар октябрга қадар давом этади.

✓ **БУГУН** Тошкент шимолий темир йўл вокзалдан Қорақалпоғистонга «Саломатлик» поезди жўнатилди. Мазкур акция «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигидаги инсонпарварлик тадбирлари доирасида ташкил этилди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги «Оқтепа» маҳалласида «Мангулик хиёбони» мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маҳалладаги нуруйилар чойхонаси ҳам қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

# ИШГА АМАРҲАМАТ!

— Тумандаги 58 та маҳалла билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Маълумки, маҳалла фаоллари аҳолининг касб-кори, интилиши, қўйинги, ҳар бир оиланинг туриш-турушуни яхши билади. Банд бўлмаган кишиларни рўйхатга олиш ва ишга жойлаштиришда улар яқин мададкоримиз ҳисобланади.

Мирзо Улуғбек, Файратий номли, «Шарқ ҳақиқати», «Қашқар», «Туркўрғон» маҳаллаларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳам ҳамкорлигимиз қўл келмоқда. Кейинги йилларда ишимизда анча сезиларли ишлар қилинди. Иш берувчилар — корхона-ташкilotлар, хусусий тадбиркорлар билан тузилган шартномалар ўз

## САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШ ОМИЛЛАРИ

самарасини бермоқда. Маҳаллаларда, туман миқёсида ижтимоий ҳамкорлик дастури асосида кўплаб ташкilotлар бирга ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Мутахассисларимиз йил давомида меҳнатга лаёқатли, лекин банд бўлмаган кишиларни ишга жойлаштиришга кўмак беради. Маълумот ўрнида шунини айтиб ўтиш жоизки, вақтинча ишламаётган аёллар, ёшларга алоҳида эътибор қаратилади. Олий ўқув юртлири, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун махсус иш ўринлари мавжуд.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу эса иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим омилдир. Президентимизнинг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ёшларимизга яна бир имконият яратди.

Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, йил бошидан буён марказимизга 4 мингга яқин киши мурожаат этган бўлса, улардан 3,5 мингдан

зиёди ишга жойлаштирилди. 320 нафарига касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига йўлланма берилди. 220 киши жамоатчилик ишларига жалб қилинди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида йил бошидан туманда 4200 та янги иш ўрни ташкил этилди. Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ишларини амалга ошириш мақсадида, хусусан, «Kulakov sistemas» масъулияти чекланган жамиятида 200 та, «Alijonov-sukuriti» масъулияти чекланган жамиятида 40 та янги иш ўрни яратилди.

Касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка алоҳида тўхталиш жоиз. Бу йўналишлар аҳолини иш билан таъминлашда муҳим ўрин тутди. Масалан, туманда ўтган вақт ичида касаначилик асосида 650 та иш ўрни яратилди. Эътиборли томони, 400 тадан ортиқ кишига меҳнат шартномаси асосида иш жойлари ташкил этилди. Хотин-қизларга тикувчилик соҳасида «Дуртех-сервис» ва «Мохирона-нуроний» масъулияти чекланган жамиятларида 40 та касаначилик асосида иш ўрни яратилди.

Аҳоли бандлигини ошириш йўлида бундай ишлар давом эттирилади. **Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА** ёзиб олди

## Қарор ва ижро МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ САМАРАЛАРИ

**Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутишини таъкидлаган эди.**

Банкротга учраган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва қайта тиклаш, уларни техник ва технологик модернизация қилиш, ушбу жараёнга тижорат банкларини ҳам жалб этиш мамлакатимиз иқтисодиётини янада мустақкамлашнинг муҳим омилларидандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

«Асака» давлат акциядорлик тижорат банки ҳам, деб хабар беради ЎЗА, мазкур фармонда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшаётир. Бугунги кунда банкрот деб эълон қилинган собиқ 14 корхона мулки негизда низоом жамғармаси 44,3 миллиард сўм бўлган 12 шўба корхонаси ташкил этилди.

Банк хорижий инвесторларни жалб қилиш, ушбу корхоналарни самарали бошқариш учун низоом жамғармаси 16 миллиард сўм бўлган бошқарув инвестиция компанияси — «Асака Инвестмент» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди.

«Асака» давлат акциядорлик тижорат банкидан маълум қилишларича, янги ташкил қилинган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида зарур хомашёни сотиб олиш учун сарфланадиган 7 миллион доллардан ортиқ маблағни банк кафолатлади. Жорий йилнинг саккизи ойи якуни бўйича ушбу корхоналарда умумий қиймати 19 миллиард сўмдан ортиқ тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди, 7,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу 1858 иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Сирдарё вилоятидаги собиқ «Лола модель» қўшма корхонаси банкротга учрагандан сўнг унинг негизда ташкил қилинган «Нафис либос» масъулияти чекланган жамияти корхоналарни молиявий соғломлаштириш негизлик самара бераётганига ёрқин мисол бўла олади. Банкротга учраган корхона «Асака» банки балансида берилди ва у корхонанинг айланма маблағларини тўлдириш ҳамда модернизация қилиш учун молиявий ёрдам кўрсатди. Шу тариқа ўтган йилнинг июлида мамлакатимиз тўқимачилик тармоғида низоом жамғармаси 2,4 миллиард сўмни ташкил қиладиган янги корхона амалга ошди.

Банка банкротга учраган «Лола модель» қўшма корхонасининг мулки топширилаётганда унинг биноси, техника, транспорт воситалари, муҳандислик коммуникациялари фойдаланиш учун яроқсиз аҳволда эди. Лойиҳани амалга ошириш учун 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, жами мулк тўлиқ инвентаризация қилинди, техник аудит амалга оширилди, ускуналар созилди, муҳандислик коммуникациялари қайта тикланди, иншоот ва ускуналар жорий таъмирдан чиқарилди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа 2009-2012 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш дастурига киритилди. «Асака» банки вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтган йилнинг охирида тўқимачилик соҳасида катта тажрибага эга янги инвестор — «Bayteks ticaret» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонасини (Туркия) жалб қилди.

Инвестор томонидан қайта тикланган корхонада қўшимча 500 тикув машинаси ўрнатиш орқали ишлаб чиқариш ҳажми оширилди ва 855 киши доимий иш билан таъминланди. Ўтган давр мобайнида «Нафис либос» масъулияти чекланган жамияти томонидан 1,8 миллион донна тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

«Асака» банкдан маълум қилишларича, бу йўналишдаги ишлар бошқа корхоналарда ҳам амалга оширилиб, ўзининг салмоқли натижаларини бермоқда.

**М.МАМЕТОВА**

## Фармон ва ижро

### ЭЗГУ МАҚСАДЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ


**Юртбошимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, бу жараёнга ёшларни кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир.**

Мазкур фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган имтиёз бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, иш берувчилар ҳамкорлигида минтақавий касбга тайёрлаш марказлари ташкил этилди. Ёшларни касбга тайёрлаш, малакасини ошириш, уларга бизнес ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида семинар-йиғилишлар ҳам уюштирилмоқда.

Ҳамкорликдаги лойиҳа доирасида касб-ҳунар коллежлари ва улар қошида ташкил этилган касбга тайёрлаш марказлари ўқув-лаборатория жиҳозлари ва ўқув адабиётлари билан таъминланди. Махсус фанларнинг ўқув дастурлари такомиллаштирилиб, қирқ номдаги ўқув қўлланмалари ва услубий тавсияномалар яратилди, «Бизнес ва тадбиркорлик» ўқув дастури қайта кўриб чиқилди ва барча касб-ҳунар коллежлари ўқув режасига киритилди.

Сирасини айтганда, келажак авлодни ишбилармонлик руҳида тарбиялаш, уларда тадбиркорларга хос билим ва кўникмаларни шакллантириш, албатта иқтисодиётимиз ривожига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Косим НУРОВ,**  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
Тошкент шаҳар бошқармаси  
мутахассиси



## ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

**Таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса ёшларимизга билим беришда, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини мустақкамлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда асосий омил бўлмоқда. Тошкент Транспорт касб-ҳунар коллежида бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кўлами кенг.**

— Ёшларимизнинг замонавий билим ва касбга эга бўлиши, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган, — дейди коллеж директори Эркин Нарзиёв. — Бугунги кунда коллежimizда 1187 нафар ўқувчи таҳсил олмақда. 450 нафар ўғил-қизларимиз жорий йилда ўқишга қабул қилинди. Улар метрополитен электр жиҳозлари, вагонларни ишлатиш ва таъмирлаш, метрополитен станциялари ва бекат хўжаликларидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш; транспорт воситаларидан фойдаланиш ва таъмирлаш, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш, компьютер ва компьютер тармоқларини монтаж қилиш, соғлаш ва ишлатиш, молия, солиқлар ва солиқ йўналишларида ўқитилади. Ўғил-қизларимизга пухта билим бериш, танлаган касбига астойдил меҳр қўйиши, қизиқиши ортишида, уларни малакали мутахассис қилиб тарбиялашда 40дан зиёд ўқитувчининг меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринли. 26 нафар педагог-муҳандис хизмати ҳам таҳсинга лойиқдир.

Коллежда дарслар замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда ўтилади, компьютер синфлари, давлат стандартлари талаблари даражасида жиҳозланган фан кабинетлари, ўқув устaxonалари, ахборот-ресурс маркази, мажлис залли, спорт заллари, ошхона ўқувчилар ихтиёрида.

Ўқув юрти яқин ҳамкорларининг беғараз кўмаги битирувчиларнинг малакали мутахассис сифатида иш билан таъминланиши, олий ўқув юртига кириб, ўқишни давом эттиришида муҳим ҳисса бўлмоқда. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари, автомобиль йўллари, молия институтлари билан кўп қиррали ҳамкорлик узок йиллардан буён давом этиб келмоқда. Иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳам яхши аънаналар бор. Бундай ёшларга Темир йўл транспорти муҳандислари институти томонидан махсус стипендия ҳам жорий этилган.

Ўқувчиларга соҳа сирларидан сабоқ беришда техника ижодкорлиги, шунингдек кўплаб касбий тўғрақлар фаолият юритади. Уларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётлари ҳам эътибор кучли. Жумладан, Тошкент метрополитени бошқармаси, «Тошкент-Лада» қўшма корхонаси, «7-автобус саройи», «Равшан» очик акциядорлик жамиятлари, 2-транвай депозита ўқувчиларимиз амалиёт ўташ даврида ишга жойлашиш масаласи ҳақида ҳам бирон-бир тўхтама қелади. Чилонзор тумани бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан ҳам ёшларга ўқиш давридаёқ бўш иш ўринлари ҳақида тўлиқ маълумотлар малакали маслаҳатлар орқали ёрдам берилмоқда.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

## ҲУНАРИ ГЎЗАЛЛАР

**Ёғоч ўймакорлиги, ҳар қатида қалб меҳри сезилиб турувчи каштачилик, попопчилик, заргарлик, зардўзлик маҳсулотлари, қадим мозийга етакловчи кулолчилик, қўйинги ҳунари гўзалларнинг беқиёс маҳсулотлари дунё санъати дурдоналари қаторидан ўрин олишга муносибдир.**

Миниатюра устаси Муҳиддин Қаюмовнинг ҳам бу борадаги изланишлари самарали кечмоқда. Муҳиддин ёш бўлишига қарамай, Президент соврини учун аънавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг фаол

иштирокчиларидан. Ушбу нуфузли тадбирда олинган рағбатлар уни янада илҳомлантириб, янги изланишларга ундамоқда.

Муҳиддиннинг бугунги кунда яратган бир-бириндан чиroyли кутучаю қаламдон, панно, турфа

хил пардоз ашёлари, портретларнинг ранг-баранг жиҳоси, кўркам-лигидан ҳайратга тушмай бўлмайди. Жаннатмақом юртимизнинг беқиёс гўзаллиги, она дийримизнинг шуқуҳи устанинг тасвирлари ўзига хослигини таъминлайди.

**Комила СУЛАЙМОНОВА**

2010 йил — Баркамол авлод йили

**ИҚТИДОРЛАР МАСКАНИ**

**Мамлакатимизда ёшларимиз билимли, ҳунарли, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топиши йўлида барча шароитлар яратилмоқда. Ўғил-қизларимизнинг иқтидорини юзага чиқаришда ўқувчилар ижодиёт марказларининг ҳам ҳиссаси салмоқлидир.**

Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт маркази етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масканда кўпгина таниқли рассомлар, ёзувчилар, шoirлар, кинорежиссёрлар ва бошқа соҳаларнинг таниқли арбоблари ўз фаолиятини бошлаган.

2010-2011 ўқув йилида яна кўплаб ёш истеъдод эгаларини жалб этиш мақсадида шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида «Куч — билим ва тафаккурда» шиори остида «очиқ эшиклар» куни ўтказилди. Икки кун давом этган тадбирга ўнлаб мактаблар ўқувчилари ташриф буюриб, тўғарак ва студиялар фаолияти билан яқиндан танишди.

— Ўтган йиллар мобайнида марказ томонидан 20 га яқин мактаблар, 22, 23-Меҳрибонлик уйлари, «Оқибат», «Нур» ва Ал Хоразмий номли маҳаллалар билан ҳамкорликда тўғараклар ташкил этилиб, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга эришилди, — дейди марказ бўлим раҳбари Гулчехра Набиева. — 22-

Меҳрибонлик уйида ҳайкалтарошлик, 23-Меҳрибонлик уйида — мунчоқ билан бадий безаш, «Нур» маҳалласида — «Ижод алифбоси» тўғараклари очилган. Болаларни тўғарак ва студияларга жалб этишда асосан уларнинг қизиқиш-истаклари инобатга олинади. Тўғаракларга олти ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар аъзо бўлади. Мақсад — ўқувчиларнинг мактабдан ташқари бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қобилиятини ривожлантириш, истеъдодини шакллантиришдан иборат бўлиб, бугунги кунда бу ерда 70 дан ортиқ педагог ўғил-қизларимизга ҳунар ўргатмоқда. Тўғарак ва студиялар халқ амалий ва тасвирий санъат, бадий нафосат, ахборот-маърифий йўналишларда фаолият олиб боради. Иқтидорли болаларни тест синовлари ва сўровнома орқали аниқлаймиз. Ўтган беш йил давомида марказ маълумотлар тўпламида 600 дан ортиқ иқтидор соҳиблари рўйхатга олинди. Бу ўқувчиларимиз ша-



ҳар, республика ва халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб фестивал ва кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлган. Тўғарак аъзолари ҳам бир қатор ютуқларни кўлга киритган. Жумладан, «Зарб» доирачилар дастаси, «Севинч» вокал дастаси, «Намунали бадий жамоа», «Ёш рассом» тасвирий санъат студияси — «Халқ ҳаваскорлик студияси» унвонига сазовор бўлган. Халқ чолғу асбоблари республика кўрик-танловида дуторчилар дастаси олий мукофотни кўлга киритди. Шуни ҳам айтиш жоизки, марказда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига алоҳида эътибор қаратилади.

«Очиқ эшиклар» кунинда халқ амалий ва тасвирий санъати бўлимида «Ёш рассом», «Графика», «Ижод алифбоси», «Ёш ҳунарманд», «Ҳайкалтарошлик» тўғараклари, бадий нафосат бўлимида «Фунча», «Тенгдош», «Севинч» вокал дастаси, «Зарҳал» дуторчилар дастаси, ахборот-маърифий бўлимининг «Компьютер сабоқлари», «Авиасозчи», «Инглиз тили», «Рус тили», «Нихол», «Ёш адабиётчилар» тўғараклари раҳбарлари ўз фаолияти ҳақида кенг маълумотлар беришди. Тадбир давомида 550 дан зиёд ўқувчи ташриф буюриб, турли тўғаракларга аъзо бўлди.

**Дилором ИКРОМОВА**  
**Бурхон Ризокулов олган сурат**

**Сўранг, жавоб берамиз**

2009 йил январь ойидан мактабда ишчи бўлиб меҳнат қила бошладим. Ўша йилнинг октябрь ойида ҳомиладорлик таътилига чиқиб, фарзандлик бўлдим. Бироқ ҳозирда ҳам ҳомиладорлик таътили пули, ҳам суюнчи пули ололмай овораман. Туман ижтимоий таъминот бўлимида «ҳисобимизда пулимиз йўқ», дейишмоқда...

**Гўзал Азимова,**  
**Юнусобод тумани**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат ва Оила кодекслари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали аёлларимиз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинган. Эркин меҳнат қилиши, дам олиши, фарзанд тарбиялаши каби ижтимоий имтиёзлари ҳуқуқий тартибда тўлиқ кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 233, 286, 288-моддаларида белгиланишича, аёлларга фарзанд кўргунга қадар етмиш календарь кун, кейин — эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақа тайинланади.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисобланиб, фарзанд кўргунга қадар, бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар, аёлга тўлиқ берилади.

Бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа тўланади. Ҳар бир туғилган бола учун нафақа миқдори, уни тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган.

\*\*\*

**Ҳозирги пайтда бола парвариши учун бериладиган таътилларнинг муддати қанча ва бундай таътил, аёлдан ташқари, яна кимларга берилади?**

**Ю.Абзалова,**  
**Чилонзор тумани**

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили туғанидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришлаш учун бериладиган таътиллардан боланинг отаси, буви, буваси ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки қисман фойдаланиши мумкин.

Аёл ёки қайд этилган бошқа шахслар ўз хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлаши мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари сақланиб қолади.

Болани парваришлаш таътили даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бундай таътил меҳнат стажига, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Болани парваришлаш таътилларининг вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа ички ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди.

**Васила КАРИМОВА,**  
**Мухаррам ТУРСУНХОДЖАЕВА,**  
**Чилонзор тумани давлат**  
**нотариал идораси нотариуслари**

**ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК ДАРСЛАРИ**

**Юнусобод ва Собир Раҳимов туманидаги ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида Адлия вазирлиги қошидаги ҳуқуқий тарғибот гуруҳи томонидан давра суҳбатлари уюштирилди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».**

Ушбу тадбирларда мингдан ортиқ йигит-қизлар, туман ҳокимликлари, касб-ҳунар таълими бошқармаси мутасаддилари, коллеж ва лицейлар ҳуқуқшунос-ўқитувчилари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ташкилотчилар таъкидлаганидек, мақсад ўсиб келаётган авлоднинг Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари ҳақидаги билимини мустаҳкамлаш, тафаккурини янада бойитиш, мустақил фикрини шакллантириш, нутқ маданиятини ўстириш, жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишдан иборатдир.

Давра суҳбатлари ёшларнинг ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш, уларни атрофимизда бўлаётган воқеаларга ҳолис ёндоша оладиган инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Маърузачилар томонидан ҳуқуқ йўналишидаги дарсларни янада такомиллаштириш, ўқитувчилар томонидан мавзунини тушунтиришда янги-ча усуллардан фойдаланиш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида «адлия соатлари»ни янада кўпайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

**Акбар ЖИЯНОВ**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Конрад Аденауэр жамғармаси (Германия) ҳамкорлигида «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг профессионаллашуви ва нодавлат телерадиоузатиш бозорининг ривожланиши» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**ЖУРНАЛИСТЛАР ДАВРА СУҲБАТИ**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги нодавлат телерадиоканалларда фаолият кўрсатаётган ёш журналистлар билан бирга германиялик соҳа мутахассислари ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов Президентимиз Исрол Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий фуқаролик демократик жамияти барпо этиш жараёнидаги кенг қўламли ислохотларда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларнинг касб салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда нодавлат оммавий ахборот воситаларининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш, уларни қўллаб-қувватлаш, нодавлат матбуот тузилмалари, радио, телевидение фаолиятини янада фоллаштириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан нодавлат телерадиостанцияларда фаолият кўрсатаётган ижодий, техник ходим-

ларнинг профессионал маҳоратини ошириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш бўйича муайян ишлар бажаришмоқда. Жумладан, ёш журналистлар учун республикамиз ва хорижлик етакчи мутахассислар, олимлар, ўқитувчилар иштирокида ташкил этилаётган маҳорат сабоқлари, ўқув семинарлари, ижодий анжуманлар бунинг тасдиғидир.

— Нодавлат оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга, — дейди ЎЗА мухбирига Германиянинг журналистика ва коммуникация тадқиқотлари институти профессори Беата Шнайдер. — Юртингизда ушбу соҳа ривожига алоҳида эътибор кўрсатилаётди. Мен Ўзбекистонга кўп йиллар аввал келгандим. Шаҳарларингизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетгани, мамлакатингиздаги фаровон ва осуда ҳаёт, ёшларнинг юз-кўзида мужассам эртанги кунга ишонч ҳисси киши эътиборини ўзига жалб этмай қолмайди.

Давра суҳбати шаклида ўтган ёш журналистлар ўқувида нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари, бу борада жаҳон амалиётида тўпланган тажрибага оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА**

**«Ватанпарвар» ташкилотларида ПОСБОНЛАР МАКТАБИ**

**Ёшларнинг юртга садоқатли инсон бўлиб шаклланишида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Мазкур ташкилотнинг асосий вазифаси спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш, мусобақалар уюштириш орқали ёшларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши, Ватан ҳимоясига тайёрлашга ҳисса қўшишдир.**

Бу борада ташкилотнинг Яқин Шарқ тумани бўлими ҳам ўз фаолиятини «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЕИХ, мудофаа ишлари бўлими билан ҳамкорликда олиб бормоқда. Ёшларимиз истеъдодли тўғаракка аъзо бўлиб, машғулотларда фаол қатнашиб келмоқда. Мунтазам равишда мусобақалар ўтказилади. Хусусан, Гафур Гулом ва Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғларида кўргазмали беллашувлар тез-тез ташкил этилиб турилади. Ўқувчи-ёшларнинг таътил кунларида Муқимий

**Тошкент гидрометеорология коллежида ушбу мавзуга бағишланган семинар ўтказилди.**

**Семинарлар СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа мутахассислари, Шайхонтохур туманидаги врачлик пунктлари вакиллари ва ўқувчилар иштирок этди.

Семинарда мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш борасида кўламли кенг ишлар амалга оширилаётганлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган тадбирда шу йил 22 июлда Вазир-

лар Маҳкамасининг «Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди. Қарорда белгиланганидек, ҳомиладор аёлларни поливитамин ва нутриентлар билан таъминлаш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини янада ошириш масаласи устувордир.

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг тиббий маданиятини ошириш, жисмонан соғлом ва маънан етук бўлишига эришиш йўлида салмоқли ишлар қилинаёпти, — деди

«Туркистон-пресс» муҳбирига Репродуктив саломатлик маркази раҳбари Сурайё Расулова. — Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, мактабларда саломатлик тадбирлари, шу жумладан семинар-тренинглари ҳам ўтказиб келинмоқда. Мақсадимиз — аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг тиббий маданиятини юксалтириш, бугунги кунда тиббий тизимида амалга оширилаётган ислохотлар билан ёшларимизни таништиришдир.

Семинар доирасида ўқувчи-ёшлар ўртасида интерфаол усулда ўйинлар ҳам ташкил этилди.

**Қиёс АЗИМОВА**

**Рихсибой СОЛИХОВ,**  
**«Ватанпарвар» ташкилоти**  
**фахрийси**

ПОЙТАХТИМИЗ WTA ТУРНИРИ МЕЗБОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Теннис республикада гўзал ва нафис спорт тури сифатида оммавий тус олди. Шу билан бирга Марказий Осиёда профессионал теннисни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётган ягона мамлакат ҳамдир. Ўзбекистон АТР, WTA, ITF турнирлари ташкилотчиси ҳисобланади. Хар йили ўшбу профессионал ташкилотлар мақоми остида ўнлаб очик мусобақалар ташкил этилиб, уларда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан теннисчилар иштирок этавди.

«Tashkent open» аллақачон мамлакатингиз спорт ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурган, унинг мафтункор иштирокчилари эса теннис мухлисларининг севимли спортчилари қаторидан ўрин олган, — дея алоҳида таъкидлаб ўтди куни кеча бўлиб ўтган матбуот анжуманида Турнир директори Шурунгам Утрапати. — Ўзингизда бўлса, бир йил аввал қадимий ва навқирон Тош-

кент ўзининг 2200 йиллигини нишонлаётган бир пайтда Бутунжаҳон теннис уюшмаси ўзига хос тўхта сифатида «Tashkent open»нинг мукофот жамғармасини 220 миң долларга кўтаришга қарор қилди. Бу эса Ўзбекистонга жаҳон миқёсидаги маҳоратли теннисчиларнинг қизиқиши янада ортишига асос бўлди. Натижада WTA таснифининг биринчи юзталигидаги спортчиларнинг ҳам турнирда сараланган теннисчилар қаторидан жой олишига имконият бўлмади...

Бу йилги турнир биринчи юзликдаги олти теннисчи иштирок этаётгани боис ўзининг алоҳида нуфузига эгадир. «Tashkent open-2010»да айни пайтда дунёнинг кучли теннисчилари қаторида 29-погонани эгаллаган руминиялик Александра Дулгору биринчи, 60-ўрин соҳиби ҳамюртимиз Окгул Омонмуродова эса иккинчи рақам билан сараланган.

«Tashkent open-2010» турнирига мухлисларимизга яхши таниш бўлган кўплаб

теннисчилар ташриф буюрди. Бу эса, шубҳасиз, очик чемпионатнинг нуфузи ортиб бораётганидан, унда голибликни қўлга киритиш катта имкониятлар очиб беришидан далolatдир. Шундай бўлсада, биз асосий эътиборни барибир ҳамюртларимизга қаратамиз. Миллий жамоамизнинг етакчиси Окгул Омонмуродовадан ташқари, халқаро турнирнинг асосий беллашувларида wild card — ишонч йўлланмаси билан умидли теннисчиларимиздан Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова ва Алина Абдурахимова куч синашади.

Шундай қилиб, бу hafta давомида пойтахтимизда катта теннис байрами бўлиб ўтади. Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида йигирмадан зиёд давлатдан ташриф буюрган кучли спортчилар иштирокида «Tashkent open-2010» турнирининг мурасиди беллашувлари бошланди.

Ильмира ШАРАФУДИНОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Даҳр золи нечаким Фарҳодқудур, турфа кўр — Ким, хатодур тутса гар андин Парвез кўз.

Айни пайтда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Фарҳоднинг Хусрав ёллаган Ёсуман мақри билан ўлдирилганлиги ишора қилинапти. Ҳолбуки, биламизки, Хусравнинг қувончи ҳам узоққа бормади — Шириннинг васлига етолмай, ўғли Шеруя томонидан ўлдирилади. Ўз навбатиде, падарқуш Шеруя ҳам олти ой ўтмай, ажал шарбатини тотди.

Халқдан бошинга ҳар қанча жабру жафо ёғилмасин, мен учун бошқа халқ ярат дейиш жоиз эмас, чунки еру кўкнинг Парвардигори нимани қандай яратишни ўзи билади. Нима, сен Худодан ҳам дономисанки, ўндай қилиш керак эди, бундай қилиш керак эди, деб маслаҳат берасан. Айни нуктаи назардан қараганда, дунё мукамал эмас, дейиш ҳам қайсидир маънода Яратувчига таъна қилиш ҳисобланади, бундай ҳаракатнинг гуноҳ эканлиги, шубҳасиз. Аввалу охири билгучи улуг зот дунёни ҳозирги ҳолатида яратибдими, шуни маъқул кўрган — бунда Худонинг нимани кўзда тутганини эртага не бўлишини билмайдиган бандалар қаердан билсин:

Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳаққа

Деса бўлмас, менинг учун яна бир халқ ярат.

Навоий умрни шамолга ўхшатади: ҳар қанча югуриб, шамолга етиб бўлмагани сингари, шиддатли умр оқимни ҳам тўхтатиб туриш мумкин эмас. Шундай экан, қўлингдан келганча уни шодхуррам ўтказ, токи сўнги лаҳзада бу олам айвонини афсусу надомат билан тарк этма:

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,

Елга етмак мумкин эрмастур чу

суръат кўргузуб,

Бошқа бир ғазалида изтироб билан ёзгандай, гуллаган ёшлик бўстонини ҳарчанд игнабанд девор билан ўраб олма, кексалик кўшини — куз барибир унга бостириб қиради:

Ҳазон сипоҳига, эй боғон, эмас монёв

Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Маълум бўладики, Алишер Навоий ижоди ўзига хос ҳикмат бўстонидир. Ўзингизда туғилган ҳар қандай саволга жавоб излаб, унга мурожаат қилсангиз, аҳволи руҳиянгизга мос бир ҳикмат топиб, мақсадингиз ҳосил бўлиши, кўнглингиз таскин топиши, шубҳасиз. Чунки кўпни кўрган доношманд шоир ҳаётнинг деярли ҳамма яхши ёмонини бошидан ўтказган, инсон феълининг бутун «Уру қир»ини обдан кузатган, табиат ва жамият ҳодисаларини теран таҳлил қилган, бир сўз билан айтганда, олам ва одам билан боғлиқ барча нарсани тушунарли ақл тарозисиде улчаб, кўнгли дафтарига дарж этган. Шоир ҳикमतлари ҳаётдан олинганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадий юксак эканлиги учун ҳам бирор-бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмай, барча тоифага маъқул бўлиб келяпти ва то ер юзиде инсон авлоди яшар экан, уларнинг қиммати заррача камаймайди, бильакс тобора ортиб бораверади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент шаҳридан 100 дан зиёд тасвирий, бадий ва амалий санъат асарлари тақдим этилган танловда марказда 19 та йўналиш бўйича тўғарақларда таҳсил олаётган 300 нафар жисмоний имконияти чекланган ва кам таъминланган оила фарзандлари иштирок этади.

Тадбирда сўз олганлар юртимизда миллий ҳунармандчилик мактаблари ривож топиб, ёш ижодкорларнинг санъат сирларини ўрганишга қизиқиши тобора ортиб бораётганлиги, анъаналаримизни асраб-авайлашга қаратилаётган саъй-ҳаракатлар борасиде фикр юритишди.

Танловлар

ИЖОДКОР ЁШЛАР — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Республика болалар бадий ижодиёт марказиде «Биз ижодкор ёшларимиз — Ватанимиз, миллатимиз таянчимиз» кўргазма-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Болалар бадий ижодиёт маркази тўғарақларида ўсмир-ёшлар тасвирий ва амалий санъат сирларини ўрганиб келмоқда. Уларга халқ рассомлари, халқ усталари маҳорат машғулотларини ўтамоқда. Айтиб ўтиш жоизки, ижодкор болалар республика ва халқаро танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Кўргазмада ёғоч ва ганч ўймакорлиги, лок миниатюраси услубиде ишланган асарлар, Бухоро зардўзлиги, попопчилик, кулолчилик, нақшошлик, каштачилик, заргарлик, ҳайкалтарошлик, шунингдек майда пластика, бисер тиқиш, аппликация — 15 дан ортик йўналишлар бўйича тақдим этилган ижодиий ишлар намойиш этилди.

— Фолиб бўлган болаларнинг ижодиий ишлари Япония, Хиндистон, Миср Араб Республикаси, Польша, Чехия мамлакатларида ўтказиладиган фестивалларда иштирок этиш имконини эгадир, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига марказ раҳбари Санобар Шодиева. — Шу кунгача марказимиз тар-

бияланувчиларидан 300 дан ортики халқаро ва республика танловлари голиблари бўлиб, айни пайтда 150 дан зиёди олий ўқув юртига имтиёзли кирди. Қувонарлиси, болалар ижодининг ривожланишига қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик, кўплаб танловлар ташкил этилиши натижаси ўлароқ янги-янги истеъдод булоқлари кашф этилмоқда.

Танловда «Энг яхши ҳайкалтарошлик иши», «Энг яхши зардўзлик асари», «Энг яхши ганч ўймакорлиги иши», «Энг моҳир уста», «Қўли гул кулол», «Энг яхши заргар» каби номинациялар бўйича совриндорлар ҳам аниқланди.

Азима ҚИЁСОВА

Халқаро футбол федерацияси томонидан мамлакатлар миллий терма жамоаларининг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Футбол

РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

Сўнги рейтинг жадвали натижаларига кўра, Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси 97-поғонага лойиқ деб топилди. Аввалги рейтинг рўйхатиде

88-поғонани эгаллаган жамоамиз яқинлашиб келаятган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок эта олса, рейтинг жадвалида яна юқорилаши мумкин.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кўп тармоқли Агротранспорт биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Бўка тумани СИБ томонидан 28.06.2010 йилдаги № 11-1028/9542-сон ижро ҳужжатида асосан Тошкент вилояти Бўка тумани Бўка шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 7-ўйда жойлашган умумий ер майдони 1486,39 кв.м. дан иборат қурилиш майдони 914,4 кв.м бўлган Осиё тўйхонаси биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 100 000 000 сўм.

1. Аукцион савдосига Бекобод шаҳар СИБ томонидан 24.08.2009 йилдаги № 8609-сон ижро ҳужжатида асосан Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ АМТФКМНБ жарима майдончасиде сақланаётган 1978 йилда ишлаб чиқ. дав.бел. 10 О 423 ВА бўлган «ВАЗ 2101» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи — 1 500 000 сўм.

2. Аукцион савдолари 2010 йилнинг 21 октябрга қуни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада ўтказилди. Юқоридеги кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари такрорий савдоси 2010 йилнинг 11 ноябрга қуни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2010 йил 7 октябрга қуни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган такрорий аукцион савдоларига қўйилдиғилар қўйилмоқда: 1. Чилонзор тумани СИБ томонидан

02.03.2010 йилдаги № 9245/22-сон ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Гавҳар кўчаси 10-сонли жарима майдончасиде сақланаётган 1994 йилда ишлаб чиқарилган дав.белгисиз бўлган «ДЭУ РЕЙСЕР» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи — 5 733 088 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамини 2020800304632976002, АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтохур филиали, МФО 00425, ИНН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-ўй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 №000003

«02»

ЖАҲЛ ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАДИ

Одатда Шарқда аёлларни ожиза дейишади. Уларнинг кучу қудрати хулқида, хусусиде, қолаверса, ширин муомаласиде бўлади. Бироқ бугунги кунда айрим аёлларга бу таъриф унчалик мос келмайдиган бўлиб бораётгани ачинарли ҳол.

Автоулов ким учундир зарурат, яна биров учун ҳашамат, бировларга эрмак, яна кимларгадир орзу... Машина олганларнинг ҳаммаси ҳам уни авайлашга, асрашга, имкон қадар унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Айримлар борки, «темир тулпор»га унчалик ҳам эътибор билан қарамайди...

ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН «ТУЛПОР»

Яланғоч даҳасидеги 25-ўй олдида кимдир «Нексия-2» русумли автомобилни қаровсиз қолдирибди. Бу эса шу атрафда дайиди юрган тўрт «азамат»га роса кўл келди-да. Мирзо Улугбек тумани Хуррият тор кўчасиде яшовчи Илёс ўзининг ҳамтовоклари — Дилмурод, Дониёр ва Эркин исмли шахслар билан биргалиқда шу машинани «қўздан кеңибди» қўйишга қарор қилишди. Улар машинанинг эшигини усталик билан очиб, 105000 сўмлик автомагнитола, орқа юкхонадан 133000 сўмлик заҳира гилдирганини дискаси билан ўғирлашади.

Эртасига аҳволдан бохабар бўлиб, фиғони фалакка чиққан машина ағаси дарҳол бу ҳақда ички ишлар идораларига хабар берди. Тезкор ҳаракатлар натижасиде ўғирлар икки кун ичиде ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази бошлиғи, майор

Масалан, Яққасарой туманида яшовчи, 1974 йилда туғилган Алисани олсак, у ўз кўшниси Лобар билан унчалик келишмай юрарди, аммо бу келишмовчилик бир кун келиб жанжалга айланишини ким билибди дейсиз. Куни кеча улар нимадандир гижиллашиб қолиб, иш ёқалашига бориб етибди. Икки ўртада чиққан жанжалда Алиса кўшниси Лобарни аяб ўтирмади: юзига бола билан уриб, жиддий тан жароҳати етказди. Яхшиямки, уларнинг бахтига шовқинни эшитиб, бошқа кўшнилар чиқиб қолган, акс ҳолда, ким билади, воқеа ким билан тугарди. Лобарга бош миёсидеги ёпиқ жароҳат, бош миёнини чайқалиши, бурун суягининг силжиб синиши, пешона соҳаси гематомаси, елка қисми юмшоқ тўқимасининг лат ёйиши каби қатор ташхислар билан касалхонада тиббий ёрдам кўрсатилган. Алисага нисбатан эса Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасиде 02-1-рақам билан рўйхатта олинган. Ҳажми — 2 Босма табоқ, офсет усулида босилди. 2882 тиража босилди. Кўнги бичими А-2

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. 28 АВГУСТАН. Янги мавсумнинг очилиши. Манежда Мустақиллик байрамини нишонлашга бағишланган катта ранг-баранг дастур. Касса. Тел.: 244 35 91, 244 35 94, 244 32 23. www.sirk.uz

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошмахонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй. 123 5